



"8"

2012

10

**“Товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари  
(тарифлари) кузатувини ташкил этиш  
бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, аҳоли томонидан ноишлаб чиқариш истеъмоли учун харид қилинадиган истеъмол товарлари ва хизматлари нарх (тариф)ларининг статистик кузатувини ташкил этиш ва сифатини ошириш ҳамда истеъмол нархлари индексини аниқлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур услубий низом 2012 йил 11 июндан бошлаб кучга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2004 йил 21 декабрда 16-сон билан тасдиқланган “Истеъмол товар (хизмат)лари нарх (тариф)лари ўзгариши устидан кузатувни ташкил этиш бўйича услубий низом” ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Раис**

**В.Тўраев**